КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширамиз

ПАРТИЯ БЕЛГИЛАГАН РЕЖАЛАРНИ БАЖАРАМИЗ

• ШИОРИМИЗ—СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК • *ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РЕЗЕРВЛАРИДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНАЙЛИК* **• ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—ҲАР БИР КИШИНИНГ МУЛКИ**

Мамлакатимизнинг бутун ижтимоий-сиёсий ва меҳнат ҳаёти бугунги кунда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ғоялари билан нурга йўғрилган. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қилган Ҳисобот докладида илгари сурилган вазифалар, 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари совет кишиларида янги ижодий ғайрат ва ташаббус уйғотмоқда.

Тошкент меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини қизғин маъқуллаб, беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада ошириш учун социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёйдирмоқдалар.

Илгари хабар қилганимиздек, пойтахтнинг бир қатор районларида партия активи йиғилишлари бўлиб ўтди, уларнинг қатнашчилари КПСС XXV съезди якунлари ва шаҳар партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар.

Кеча пойтахтнинг Куйбишев, Октябрь, Фрунзе ва Ҳамза районларининг партия активи йиғилишларида ана шу масалалар кўриб чиқилди.

Октябрь район партия ташкилоти активи йиғилишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, Куйбишев районида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Фрунзе районида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев доклад қилдилар. Ҳамза район партия активи йиғилишида район партия комитетининг биринчи секретари Т. Э. Эргашев доклад қилди.

Докладчилар ва музокарада сўзга чиққан йиғилиш қатнашчилари мамлакатимизнинг яқин беш йилликда ва ундан ҳам узоқроқ муддатда социал-иқтисодий тараққиётининг марраларини белгилаб берган КПСС XXV съезди қарорларининг беқиёс аҳамияти ҳақида гапирдилар. Ўнинчи беш йиллик коммунистик идеаллар тантанаси йўлида яна бир қадам, у мамлакатимиз тараққиёти ва совет кишиларининг бахт-саодати йўлида тараққий этган социалистик жамият беқиёс имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланиш даври бўлади.

Барча меҳнат коллективларида мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш, ҳар бир иш жойида янада юқорироқ кўрсаткичларга эришиш учун оммавий ҳаракат кенг тус олиб кетди. Республика пойтахтининг ўнлаб корхона ва қурилиш ташкилотлари Бутуниттифоқ коммунистлар анжуманини йиллик топшириқларни муддатидан илгари бажариш, планга қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иш сифатини янада ошириш билан кутиб олдилар.

Йиғилиш қатнашчилари эришилган ютуқларни гапириш билан бирга ҳали ҳал этилмаган масалаларга, ишлаб чиқариш резервларини ишга солиш имконини берадиган муҳим вазифаларга ҳам ўз эътиборларини қаратдилар.

Беш йиллик пешқадамлари ва уларнинг минглаб издошлари ҳар бир станок ва машинадан, ҳар бир иш дақиқасидан, ҳар грамм хом ашё ва ҳар киловатт-соат электр энергиясидан самарали фойдаланишни ўзларининг биринчи даражали бурчлари деб билмоқдалар.

Худди шу шиор —«Экономикани ва халқ фаровонлигини янада ўстириш йўлида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифати оширилсин!» шиори остида шу кунларда Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси кенг тус олиб кетди. Омма ташаббуси билан туғилган ҳамма яхши нарсаларни олиш, ўз ишида барча янги, илғор нарсаларни ижодий қўллаш ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг муҳим бурчидир. «Сафимизда битта ҳам қолоқ қолмасин» шиори партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик раҳбарларининг диққат-эътиборида турмоғи лозим. Бу марраларни эгаллашга барча ташкилий ва оммавий-сиёсий ишлар, мусобақада етакчилик қилаётган коммунистлар куч-ғайрати сафарбар этилиши лозим. Шаҳар меҳнаткашларини ўнинчи беш йиллик планларини барвақт бажаришга жалб этиш учун идеологик таъсир кўрсатишнинг барча воситаларидан фойдаланиш, энг аввало, КПСС XXV съезди материалларини чуқур ўрганиш, ҳар бир кишининг жамиятда ва белгиланган мақсадга эришиш йўлида ўз ўрнини аниқ тасаввур этиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак. Актив йиғилишларида қабул қилинган резолюцияларда унинг қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорларини якдиллик билан маъқулладилар.

КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикномалар қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари партия XXV съезди ҳар бир партия ташкилоти олдига қўйган масъулиятли вазифалар муваффақиятли амалга оширилади, деб қатъий ишонч билдирдилар.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 74 (2969)
31 ЧОРШАНБА март 1976 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Сифат белгиси берилди

«Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмасининг уч турдаги безакли ленталарига Давлат Сифат белгиси берилди. Корхона коллективи яна икки турдаги безакли ленталарни Сифат белгиси аттестациясига тайёрламоқдалар. Бундан ташқари корхонада аёлларнинг рўмолларини тайёрлаш технологияси ҳам такомиллаштириляпти. Тез орада икки турдаги рўмол ҳам Сифат белгиси аттестациясига тавсия этилади. Фирма коллективига маҳсулот сифатини яхшилашда Ўзбекистон Давлат стандарти бошқармаси катта ёрдам бераётир. Г. ВОҲИДОВА.

Бир беш йилликда—икки беш йиллик

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

— Бундан тўққиз йил муқаддам йиғувчига шогирд тушганимда, устозимнинг ғоят чаққон ҳаракатини кўриб: «Мен унга ҳеч қачон етолмасман-ов», деб ўйлаган эдим...

Кунлар кетидан кунлар ўтди. Секин-аста, қадам-бақадам маҳорат сирларини ўрганиб бордим. Ўзим учун зарур хулоса ҳам чиқариб олдим. Кимки ўз ишини севса, барча жараёнларни мукаммал эгаллаб олса, ўша одам энг юксак унумдорликка эришиши мумкин экан.

1971 йил кириб келди, тўққизинчи беш йиллик бошланди. Цехимизнинг кўпгина ишчилари беш йиллик топшириқни муддатидан илгари бажариш учун интилиб, юксак мажбуриятлар қабул қилишди. Ҳар биримиз резервларимизни диққат билан ҳисоблай бошладик, фақат буюмларнинг миқдори ҳақида эмас, балки сифати ҳақида ҳам ўйладик. Мана, ниҳоят, тиғиз планлар бажарилди, 65 ишчимиз тўққизинчи беш йиллик зарбдори бўлди. Мен ҳам беш йиллик топширигини уч ярим йилда бажардим.

Кейин яна янги беш йиллик — юксак самарадорлик ва сифат беш йиллиги бошланди. У ишчилар синфи олдига янги, анча мураккаб вазифаларни қўйди. Олдинда катта истиқболлар очди.

Бизнинг участкамизда эса, барча ишлар қўлда бажарилади. Ишлаб чиқаришнинг ўзига хос томони шундай — ишимиз нозик, заргардай маҳоратли бўлишни талаб этади.

Хўш, резервларни қайдан топса бўлади?

Н. ШВАЙКО,

«Миконд» заводи йиғувчиси. У ўзининг ўнинчи беш йилликдаги ишлаб чиқариш плани, 1976—1980 йилларда икки беш йиллик топшириғини қандай қилиб бажариб, шахсий рекорд қўймоқчи бўлганлиги ҳақида гапириб беради.

Иш сменасига керакли барча нарсаларни мен олдиндан тайёрлаб қўяман. Армировкачида барча зарур нарсалар, подставкалар ва асбоблар қўл остида бўлиши керак. Эрталабдан бошлаб бир минутни ҳам беҳуда ўтказмай ишга киришиш учун ҳамма тадбирларни белгилайман. Тежалган минутлар, соатлар планга қўшимча процентларни ҳосил қилади, меҳнат унумдорлигини ўстиради. Шу боисдан ҳам иш вақтини тежашни мен меҳнат унумдорлигини оширишда энг асосий резерв деб ҳисоблайман.

Лекин яна бир муҳим омил бор. Цехимизда, шунингдек заводимизда ҳам, кўп йиллар ишлаган кишилар касб маҳорати айниқса қўл меҳнати салмоғи юқори бўлган участкаларда қай даражада муҳим аҳамиятга эга эканлигини яхши билишади. Бунда ҳам меҳнат унумдорлигини оширишнинг улкан резерви мавжуд.

Буюмлар сифати-чи? Бу масала ўтган беш йилликда ҳам кун тартибидан тушмаганди. Ҳар бир ишчи кунма-кун завод маркаси шарафи учун курашни кучайтириш, технология интизомини мустаҳкамлаш учун нималар қилиш лозимлигини яхши билади. Лекин бу беш йилликда юксак ижро маҳорати учун кураш айниқса кенг қулоч ёйди.

Бизнинг цехимиз, участкамиз шароитида бу нимани билдиради? Тажрибали йиғувчи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бошланғич давридаёқ йўл қўйилиши мумкин бўлган брак сабабини билиб олади ва уни бартараф этади. Натижада юксак сифатли маҳсулот тайёрланади ва биринчи тақдимдаёқ топширилади.

Яна бир гап. Кишиларга маънавий омил: тайёрлаётган буюмларнинг ҳеч брак бўлмаётганлиги, яроқли буюмларнинг проценти юқорилиги ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Бу киши кайфиятини яхшилайди. Айниқса бундай ишлаш ёшларнинг мураббийси бўлган кўплаб шогирдлар тайёрлаётган биздай ишчилар учун муҳим. Негаки, шогирдларимиз бизга тақлид қилишади-да. Собиқ шогирдларим Г. Косимбекова, А. Турғунова, Б. Файзуллаевалар ҳозир браксиз ишлаш мажбуриятини олишди. Бу мен учун ғоят кўнгиллидир: шогирдларим униб-ўсишаяпти.

Шундай қилиб мен барча резервларни ишга солиб муҳим мажбуриятимни бажараман — бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини уддалайман деб ўйлайман. Бу ҳар бир иш жойида энг юксак меҳнат самарадорлигига эришишга даъват этган КПСС XXV съезди қарорларига амалий жавобим бўлади.

• 17 апрель—коммунистик шанбалик куни

Зарбдорлар марраси

«Главсредазирсовхозстрой»нинг Тошкентдаги ёғочсозлик комбинати коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллиги шарафига 17 апрель куни коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги москваликларнинг ватанпарварлик ташаббусини баланд руҳ билан кутиб олди.

Комбинатнинг тажриба-экспериментал участкасида бўлиб ўтган митингда сўзга чиққан коммунистик меҳнат зарбдори Шоазиз Шожалилов йиғилганларни КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошириш учун зарбдор меҳнат қилиб, коммунистик шанбаликда кунлик нормасини 1,5 бараварга етказиб бажаришга қарор қилди

Сўзга чиққан Ҳ. Насимов, Р. Раҳмонбердиева ва бошқалар ҳам Ш. Шожалиловнинг даъватига жавобан меҳнат байрамида актив иштирок этиб, шонли анъанани зарбдор меҳнат билан нишонлаймиз дейишди.

17 апрель «Қизил шанбалик»да 302 ишчи ўз станоклари ёнида туриб меҳнат қилади. Шу куни камида 15 минг сўмлик бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилади. Комбинат хизматчилари эса корхона ҳовлисини ободонлаштириш, дарахтларнинг тагини юмшатиш, гулзорларни суғориш ишларини амалга оширадилар. Шанбаликдан тушган 1005 сўм иш ҳақи ўнинчи беш йиллик фондига ўтказилади.

Т. НАЖМИИ.

Беш йиллик фондига

«Қизил шанбалик» куни смена топшириғини энг камида йигирма процентга ошириб бажарамиз!» — «Учқун» тўқимачилик-галантерея фирмаси коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 106 йиллигига бағишлаб 17 апрелда ўтказиладиган коммунистик шанбалик кунида ана шундай шиор остида юксак унум билан ишлашга аҳд қилди.

Чеварлар шанбалик куни 38 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни планлаштиришди. Шанбалик куни 900 кишининг асосий қисми ишлаб чиқариш, қолганлари эса фирма ҳовлисини ободонлаштириш ишлари билан банд бўладилар.

Фирма ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари 2,5 минг сўмлик иш ҳақларини беш йиллик фондига ўтказадилар.

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

ОЛИМЛАР СУҲБАТИ

Бугун

КИРОВ РАЙОН «БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТАШКИЛОТИ ТАШАББУСИ БИЛАН КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ МЕҲНАТКАШЛАР ЎРТАСИДА КЕНГ ПРОПАГАНДА ҚИЛИШГА БАҒИШЛАБ ЖОЙЛАРДА ТЕМАТИК ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ БОШЛАНДИ. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли электроника институтининг бир группа олимлари республика Автомобиль ва тош йўллар қурилиши министрлигида бўлдилар. Физика-математика фанлари кандидати А. Шайхов, илмий ходим А. В. Коваленко партия съезди қарорлари асосида мамлакатимизда фан ва техниканинг тараққиёти ҳақида суҳбат ўтказдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг лектори С. Н. Копцов улуғвор ўнинчи беш йилликда мамлакатимизда ва республикамизда олиб бориладиган катта бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирди.

Навбатда ўтказиладиган тадбирларда Фанлар академиясининг астрономия, физика-техника институтлари, республика Маданият министрлигига қарашли санъатшунослик институтининг олимлари ҳам қатнашадилар.

• Тошкент—жаҳонга

Чехословакияга жўнатилди

Бугун

Экскаватор заводи Чехословакияга тўртта экскаватор жўнатди. Бу билан шу йилнинг ўтган даврида Чехословакияга юборилган экскаваторлар сони ўнтадан ошди.

Чехословакия, Франция заводнинг дастлабки буюртмачиларидан саналади. У ерга ҳар йили кўплаб экскаватор ва эҳтиёт қисмлар жўнатилмоқда. Март ойининг ўтган кунларида Францияга иккита, Венгрияга эса учта экскаватор ҳамда эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

И. ЛЕВЕНТАС.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Бугун

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИНИНГ 500 ДАН ОРТИҚ СТУДЕНТИ ДАВЛАТ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРИБ, ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА ОЛДИ.

Қишлоқ хўжалик ходимларининг яқин кўмакдошлари бўлган ёшлар агрономия, агрохимия, боғдорчилик-ўрмончилик, пиллакашлик, ўсимликлар ҳимояси факультетларини тамомладилар. Улар қишлоқ хўжалик ишларида олган назарий билимларини амалда синаб кўрадилар.

Ҳаётга йўлланма олганлар орасида 130 дан зиёд хотин-қиз бор. Уларнинг кўплари қардош Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон республикалари ҳамда Қарши чўлқуварлари ҳузурига жўнаб кетдилар.

Тонгги газеталарда

▲ 29 мартда СССР Министрлар Советининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети номидан партия XXV съездига қилган Ҳисобот докладидаги қоидалар ҳамда вазифалар ва 1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари асосида капитал қурилиш ишларини яхшилаш масалалари қараб чиқилди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

▲ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Саодат» журнали редакцияси ходимларини, авторлар коллективи ва кўпдан-кўп ўқувчиларини шонли воқеа — журналнинг 50 йиллик юбилейи ҳамда унга «Ҳурмат Белгиси» ордени берилганлиги билан қизғин ва самимий табриклайди.

▲ Белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни 1976 йилнинг май — июнида СССР Қуролли Кучлари сафидан бўшатиш тўғрисида ва гражданларни навбатдаги ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириш тўғрисида СССР Мудофаа министрининг буйруғи эълон қилинган.

ОБ-ҲАВО

Тошкент шаҳри ва областида бугун кечаси ва эртага кундузи ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Секундига 5—10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат бугун кечаси 4—6 даража иссиқ, эртага кундузи эса 16—18 даража иссиқ бўлади.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАГА

Бугун

Ўзбекистон республика граждан ҳаво флоти бошқармаси қошидаги филателистлар клубидан Францияга «Ленин биз билан», «Космос», «СССР Граждан авиацияси», «Қаҳрамон шаҳарлар» номлари билан 36 та варақда экспозиция жўнатилди. У Францияда ўтказиладиган халқаро кўргазмада намойиш этилади.

Бу клубнинг ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин, қисқа вақт ичида клуб қатнашчилари катта муваффақиятларга эришдилар. Шаҳримизда ўтказилган иккинчи филателистлар республика кўргазмасида биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Софияда ўтказилган халқаро филателистлар кўргазмасида ҳам актив қатнашиб, кумуш медаль эгаси бўлди. Арманистон ССР пойтахти— Ереван шаҳрида бўлган кўргазмада биринчи ўринни эгаллаб иккита олтин медаль олди.

Қишлоқ аҳли мамнун

Маданий хизмат

Бугун

ТОШКЕНТДАГИ БИР ҚАТОР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ОЛИМЛАРИДАН ИБОРАТ ЛЕКТОРЛАР ГРУППАСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТИНИНГ РАЙОНЛАРИ БЎЙЛАБ ЎТКАЗИЛГАН САФАРДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР. Меҳнаткашлар билан бўлган учрашувларда тарих фанлари кандидатлари И. Тожиев, О. Носиров, С. Шодмонов, Б. Маннонов, иқтисод фанлари кандидати Ғ. Султонов ва бошқалар қатнашдилар. «Партия режаси — халқ режасидир» деб аталган тематик суҳбатларда «КПСС ва Совет давлатининг съезддан—съездгача фаолияти», жонажон партиямизнинг жаҳонда тинчлик ишини мустаҳкамлаш юзасидан олиб бораётган тадбирлари, ўнинчи беш йилликда мамлакатимизда амалга ошириладиган ва халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш борасида қилинадиган ишлар тўғрисида мазмунли суҳбатлар ўтказдилар.

М. ЗАРИПОВ,

Тошкент области «Билим» жамияти ташкилоти референти.

ҚАДРДОН ДЎСТ ВА ДОНО МАСЛАҲАТГЎЙ

«Саодат»... Бу ажойиб сўзнинг олам-олам маъноси бор. «Саодат» сўзи минг-минглаб пахтакор ва олим, ўқитувчи ва артист, тўқувчи ва врач, сувоқчи ва шоира аёлларнинг, замон билан баб-баравар одим ташлаб, коммунизм қураётган, ўз фарзандларини бахтли. Саодатли бўлсин деб, тинчлик даврида яшасин деб тарбия қилаётган ажойиб аёлларимизнинг номларига айланиб кетган. «Саодат» журнали ана шу кишиларнинг ҳаёти ва меҳнати тўғрисида ҳикоя қилади. Бугун журнал эллик ёшда.

«Саодат» журналининг юбилей санасида донишмандлик билан ёшлик омихта бўлиб кетган. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига, Шарқдаги янги аёлнинг ажойиб образини яратишга ҳисса қўшиб келаётган журнални юбилейи билан табриклагани, Ўзбекистон ҳаётидаги бу тарихий воқеани нишонлагани 30 март куни Свердлов номли концерт залида республика жамоатчилигининг намояндалари, кўпдан-кўп журналхонлар тўпланишди. Москва, Киев, Минск, Фрунзе, Ашхободдан «Саодат»ни табриклагани ўз дугоналари — қардош республикаларда хотин-қизлар учун чиқариладиган журналларнинг вакилалари юбилей тантанасига меҳмон бўлиб келишди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев тантанали йиғилишни очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. Ш. Р. Рашидов «Саодат» журналини «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини залдаги кишиларнинг карсаклари остида ўқиб беради. Журнал Совет Ўзбекистони хотин-қизларини коммунистик руҳда тарбиялаш, уларни хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар этиш соҳасидаги самарали иши учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди.

Гулдурос карсаклар остида орден журнал байроғига тақиб қўйилади.

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Саодат» журналига табрикномасини ўқиб берди.

Ш. Р. Рашидов журналнинг барча ходимларини, улар орқали эса матбуотнинг ҳамма ходимларини, журналхонларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан самимий қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, партия XXV съезди белгилаб берган режаларни амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Журналнинг бош редактори, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия «Саодат» журналининг босиб ўтган йўли, журнал ўзининг эзгу сўзи билан кўмаклашишга интилиб, ўз қаҳрамонлари билан бир сафда борганлиги, бахтиёр ҳаёт қурилишида уларни янги марраларга бошлаганлиги тўғрисида ҳозир бўлганларга сўзлаб берди.

Кечада Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги В. Николаева-Терешкова номли колхоз раиси У. Ҳасанова, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали санъатшунослик секторининг мудири С. Баҳодирова дўст, маслаҳатгўй, ёрдамчи «Саодат» журналига ташаккур сўзларини ва эзгу истакларини изҳор этдилар

«Советская женщина» журналининг бўлим мудири Р. Боймуротова, «Работница» журналининг бўлим мудири Н. А. Вьюкова, Украинада чиқадиган «Радянська жинка» журналининг бош редактори Г. А. Литвинова, Белоруссияда чиқадиган «Работница и сялянка» журналининг бош редактори М. И. Карпенко, «Қазақстан айелдери» журналининг бош редактори А. Жакетова, «Азербайжан гадини» журналининг бўлим мудири С. Нажафова, «Фемея Молдовей» журналининг бош редактори Е. Ф. Жмеренецкая, «Қирғизстан аялдари» журналининг масъул секретари Г. Мўминова, «Занони Точикистон» журналининг бош редактори Х. Муҳитдинова, «Айастани ашхатаворун» журналининг бош редактори А. Г. Чилингарян, «Совет Туркменистанининг аяллари» журнали бош редакторининг ўринбосари Р. С. Ўрозова ва бошқалар журнал коллективини самимий табрикладилар.

Йиғилишда Совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова қўл қўйиб, шу комитет номидан «Саодат» журналига йўлланган табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилди.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номига якдиллик билан табрикнома йўлладилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, И. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Г. А. Габриельянц, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

...Кечада саҳна усталари юбилярга, унинг ўқувчиларига, «Саодат» журналининг дўстларига байрам концертини туҳфа қилдилар. Ажойиб меҳнаткаш аёлларга, она қўлларига, уларнинг одамларга кўклам, қуёш, бахт-саодат бахшида этувчи саховатли қалбларига бағишланган шеърлар ва қўшиқлар янгради.

(ЎзТАГ).

●ХАЛҚ КОНТРОЛИГА ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

Уюшқоқлик руҳида ўтсин

Яна бир неча кундан кейин шаҳар халқ контроли органларида ҳисобот-сайловлар бошланади. Бу муҳим сиёсий кампания КПСС XXV съездидан кейин юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги, партия томонидан ўнинчи беш йилликка белгилаб берилган улуғвор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш учун умумхалқ кураши авж олган бир вақтда ўтади. Буларнинг ҳаммаси шаҳар халқ назоратчилари зиммасига назоратчилик ишларини такомиллаштириш, ҳисобот ва сайловларни юксак уюшқоқлик даражасида ўтказишни юклайди.

Тошкент шаҳрининг халқ назоратчилари ўзларининг ҳисобот-сайлов кампанияларига яхши натижалар билан келдилар. Уларнинг ёрдами билан шаҳар корхоналарида минглаб тонна металл, юз минглаб киловатт-соат электр энергияси тежалди, меҳнат интизоми бирмунча мустаҳкамланди. Текширув материаллари шундан гувоҳлик бермоқдаки, кўпчилик комитет ва группалар катта ташаббус билан ишламоқдалар. 1975 йилда шаҳар халқ контроли комитетлари 1700, жумладан 20 оммавий текширув ўтказдилар. Бу текширувлар кўп масалаларни ўз ичига олади. Лекин назоратчиларнинг асосий фаолияти ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, социалистик мулкни муҳофаза қилишни яхшилашга бағишланди. 1975 йилда ўтказилган текширувлар натижасига мувофиқ 580 дан кўпроқ лавозимли шахсга нисбатан маъмурий чоралар қўлланди, 24 киши вазифасидан четлаштирилди, ишлаб чиқаришнинг 88 раҳбарига жарима солинди.

В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Малика» трикотаж фирмаси, экскаватор заводи, 159-қурилиш тресги каби корхоналарда халқ контроли группалари катта ижобий тажриба орттирдилар. Бу жойларда ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик яхши олиб борилмоқда. Бу масала ҳозир халқ назоратчилари ишида биринчи даражали ҳисобланади.

Халқ контроли группалари ўз фаолиятларини аввало КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССР халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарорида белгилаб берилган талаблар асосида ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қилишлари керак.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши икки босқичда олиб борилади. Олдин йиғилишлар цех группа ва постларида бўлади, унда халқ назоратчилари ва умумзавод ёки умумфабрика конференциясига делегатлар сайланади. Конференцияларда халқ контроли бош группасининг ҳисоботи ва сайлов ўтказилади.

Йиғилишлар ҳамма жойда бўлиши керак. Бу янгидан ташкил этилган группа ва постларга ҳам тааллуқлидир. Агар улар бир йилдан ортиқ ишлаган бўлса, ҳисобот ва сайловлар ўтказилади. Агар бир йилдан кам ишлаётган бўлса, унда қилинган ишлар тўғрисида ҳисобот билан чекланиб қолиш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, йиғилиш ва конференциялар халқ контроли группа ва постларининг ҳисобот ва сайловлари учун махсус ўтказилади.

Группа ва постлар составининг сони ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасанинг ишлаб чиқариш структурасини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Энг муҳими ҳар бир пост ва группа ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма звеноларида назорат олиб бориши керак. Бунда тажриба кўрсатганидек кўпчилик ходимларга эга бўлган цехлар, бўлим ва бошқармаларда постлар эмас, балки цех группалари сайлаш мақсадга мувофиқдир. Постлар эса, унча катта бўлмаган ишлаб чиқариш участкалари, сменалар, кам сонли бригадалар, бўлимлар, майда савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида тузилади.

Халқ контролига сайланадиган номзодлар коммунистлар қатори, партиясиз бўлган ишлаб чиқариш илғорлари, бирмунча обрўли ва актив ишчилар, мутахассислар, хизматчилар, студентлар, шунингдек пенсионерлар ва уй бекаларидан кўрсатилади.

Группа составига раҳбар ходимларни (корхона, ташкилот, жамоат ташкилотлари вакиллари бундан мустасно) сайлаш мумкин, лекин амалий ишда улар ўз хизмат бурчлари бўйича масъулиятли бўлган участка ва масалаларни назорат қилишларига йўл қўймаслик керак.

Ҳисобот ва сайловларга тайёргарлик ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар, шунингдек, йиғилиш ва конференцияларни н г натижаси кенг ёритилиши ҳамда коллектив эътиборига етказилиши керак. Бунинг учун деворий газета, маҳаллий радио, халқ контроли стенди ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш керак. Буларнинг ҳаммаси бизга халқ контроли органларига ҳисобот ва сайловларни уюшқоқлик билан, юксак ғоявий-сиёсий даражада ўтказиш имконини беради.

Ю. МИХАЙЛОВ,
шаҳар халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Устки трикотаж фабрикасида иқтисодий тежамкорлик юриши авж олган. Хом ашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланиш билан бирга, маҳсулот сифатига ҳам катта эътибор берилмоқда. Бу ҳаракатда халқ контроли группа ва постларининг аъзолари фаол қатнашмоқдалар.

СУРАТДА: халқ контроли группасининг аъзолари Г. Певченко ва Т. Хрипуновалар маҳсулот сифатини текширмоқдалар.

●Ибратли ишлар

Ютуқлар омили

Бизнинг «Подъёмник» заводимиз цех ва бўлимларида 79 халқ назоратчиси бор. Бу унчалик катта куч эмасдек кўринади, лекин улар амалга ошираётган ишлар жуда кўпдир. Чунки, коллективимизда энг яхшиларнинг яхшилари, жонажон завод учун ҳақиқий жон куйдирувчилар халқ назоратчилари бўлиб сайланадилар. Халқ контроли группа ва постлари асосан корхонамиздаги коммунистлар, комсомоллар, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлардан ташкил топган. «Подъёмник» заводининг тўққизинчи беш йилликда эришган ютуқлари билан улар ҳақли равишда фахрланадилар. Маҳсулот реализация қилиш ҳажми бўйича беш йиллик план 102,7 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича эса, 104.1 процент қилиб бажарилди. Планга қўшимча равишда 626 минг сўмлик фойда олинди.

Халқ назоратчиларининг бевосита иштирокларида корхонада ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, илғор технологияни жорий этиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Масалан, заводдан ташқарида ва цехлараро юк кўтариш-ортиш ишларининг умумий ҳажмини механизациялаш даражаси 14 процент ошди ва 92 процентга етди. Ўткир кўзлилар корхонага 3900 тонна металл прокатлари тежаб беришда ёрдамлашдилар. Халқ назоратчилари ёрдамида техника тадбирларини жорий этишдан кўриладиган иқтисодий фойда 600 минг сўмга етди. Назоратчилар бундай натижаларга кундалик самарали меҳнатлари, белгиланган барча текширувларни график бўйича олиб бориш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини назорат қилишни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш жараёнларини шахсан кўздан кечириш туфайли эришдилар. Рейд натижасида тўпланган материаллар халқ контроли бош группасининг йиғилишида муфассал муҳокама қилинади, ёки завод партия комитетининг йиғилишида кўриб чиқилади. Кўрилган иш юзасидан тегишли буйруқ ва фармойишлар берилади. Халқ назоратчилари томонидан ўтказилган текширув натижалари эътиборсиз ва муҳокама қилинмай қолинган ҳоллар ҳали учраганича йўқ. Бу, назоратчилар обрўсининг янада ортишига, рейдларнинг ҳақиқий бўлишлигига имкон бермоқда.

Бунга мисол қилиб кейинги текширувлардан бирини олиб кўришимиз мумкин. Халқ контроли бош группасига баъзи цехларда ишлаб чиқаришнинг белгиланган технологиясидан четга чиқиш ҳолларига йўл қўйилаётганлиги, техника ҳужжатлари ҳамма вақт ҳам талабга мос бўлмаслиги тўғрисида хабарлар кела бошлади. Заводда шошилинч равишда комиссия тузилди. Комиссия составига фақат назоратчиларгина эмас, шу билан бирга завод бошқармасидаги турли бўлимларнинг ходимлари ҳам киритилди. Халқ контролининг бош группаси техника ҳужжатлари, технологияси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг ҳолатини текшириш юзасидан план ишлаб чиқди.

Корхона маъмурияти чиқарган буйруқда цехлар, бўлимларнинг бошлиқларига, мастерларга, текширувда қатнашаётган халқ назоратчиларига ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик қилиш таъкидланди. Текширув бир неча кун давом этди. Синчиклаб олиб борилган иш натижасида халқ назоратчилари кўпгина камчиликларни топдилар. Бу камчиликлар давом этаверса, маҳсулот сифатини яхшилашда салбий таъсир кўрсатган бўлур эди.

Масалан, назоратчилар кўприк кранлари илгаги учун корхонада ишлаб чиқарилаётган қулфлар ГОСТ талабларига номувофиқ эканлигини топдилар. Назоратчиларнинг ташаббуси билан ўн беш кун давомида янги техника ҳужжатлари тайёрланди ва янги жиҳоз ишлаб чиқарилди. Натижада қулфлар ГОСТ талабига тўла мос келадиган ва пухта қилиб тайёрланди.

Ёки бошқа бир мисол. Йиғув участкасининг ишчилари кранлар ғилдираги ўқларининг паст сифатда эканлиги тўғрисида тез-тез шикоят қиладиган бўлиб қолдилар. Ўқларда кўпинча ўйиқ ва чизиқлар учраб турарди. Бу нуқсонлар улардан фойдаланиш сифатини пасайтирарди. Назоратчилар бундай нуқсонлар ўқлар механика участкасидан йиғув участкасига келтиришда деталларни транспортга ортиш пайтида пайдо бўлаётганлигини аниқладилар. Бу ҳолга чек қўйиш мақсадида назоратчилар таклифи билан махсус таралар тайёрланди. Ҳозир ўқлар ана шу идишларда ташилмоқда. Бундай текширувларни олиб боришда токарь А. Шкарупето, штамповкаси Б. Вайсбург, токарь И. Николаев каби кўпгина назоратчилар фаол қатнашдилар.

«Подъёмник» заводи коллективи олдида ўнинчи беш йилликда катта вазифалар турибди. Экспортга чиқариладиган кранлар ҳажмининг ўзигина 32 процент кўпайиши керак. Янги тиргакли контейнер кранлари, масофадан туриб радио орқали бошқариладиган электр кўприк кранлари кўплаб ишлаб чиқарилиши керак. Коллектив илгарингидек, бундан буён ҳам ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш борасида қунт билан иш олиб боради. Бу борадаги муҳим ишлардан бири ҳамма вақтдагидек завод халқ назоратчилари зиммасида бўлади.

Б. ЧИЧИЛЬНИКЕР,
«Подъёмник» заводи халқ контроли группасининг раиси.

Тошкент оқшоми

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

«ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИ ИЖРОНИ ТЕКШИРИШ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИЛАР. ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ БУ ОРГАНЛАРНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ЯХШИРОҚ ФОЙДАЛАНИШЛАРИ, УЛАР ЗИММАСИГА ЮКЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН ЁРДАМ БЕРИШЛАРИ КЕРАК».

Л. И. БРЕЖНЕВ.

●*Группа ва постларда*

Пионерлар уйидаги «ўлик жонлар»

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигига қарашли бизнинг ахборот-ҳисоблаш марказининг халқ контроли группаси беш кишидан иборат. Бу группа кўплаб текширув ва рейдлар ўтказди. Текширув ва рейдларнинг баъзилари район халқ контроли комитетининг тавсияси билан олиб борилди. Шулардан биттаси А. Набиев номли пионерлар уйи молиявий-хўжалик фаолиятининг аҳволини текшириш тўғрисидаги топшириқ бўлди. Биз одатдагидек текширувга пухта тайёргарлик кўрдик, зарур адабиётларни қараб чиқдик, турдош ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятлари ўзига хос томонларини ўргандик.

Текширув бир неча кун давом этди. Текширув давомида 1975 йилда пионерлар уйида иш ҳақи фондидан 6,6 минг сўм тежалганлигини аниқладик. Бу яхши кўрсаткич. Лекин масалага яқиндан ёндошилганда штат-молия интизоми қўпол равишда бузилганлиги аниқланди.

Масалан, 105 сўм ойлик ҳисобидан 1,5 ставкада ишлаётган мактаб-комсомол активи тўгарагининг раҳбари Р. Низомова ўтган йилнинг 15 июлидант то 20 декабригача Собир Раҳимов район комсомол комитетига командировкага юборилган. Бу ерда уни мактаблар группаси бўйича комсорг вазифасини бажарувчи қилиб, ойига 125 сўм маош тайинлашди.

Костюмчи М. Алимуҳамедова пионерлар уйидаги навбатдаги «Ўлик жон» бўлиб чиқди. У 1974 йил 3 сентябрдан 243-мактабга катта пионер вожатий бўлиб ишлашга ўтди. Шунга қарамай, унга пионерлар уйида то 1976 йил 1 январгача илгаригидек маош тўланаверди. Шундай қилиб М. Алимуҳамедовага қонунсиз равишда минг сўмга яқин пул тўланган.

Текширув вақтида биз бошқа штат-молиявий интизомлар бузилишини ҳам очиб ташладик. Натижа шунга олиб келганки, қонунсиз тўланган пуллар 2300 сўмдан ортиб кетган.

Биз рейд материалларини Собир Раҳимов район халқ контроли комитетига топширдик. Район халқ контроли комитетининг қарори билан А. Набиев номли пионерлар уйининг директори В. Абдуллаев вазифасидан четлаштирилди. Ишда принципсизлик кўрсатганлиги учун директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари М. Шораҳмедовга ҳайфсан эълон қилинди. Штат-молия интизомлари бузилганлиги тўғрисида тўпланган материаллар тергов органига юборилди.

Ф. ИСАМИДДИНОВ,
В. КАЗАДАЕВ,
Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлиги ахборот-ҳисоблаш марказининг халқ назоратчилари.

Коммунистик меҳнат зарбдори Сергей Шникалёв «Тошкенткабель» заводининг пешқадам фрезерчиси. Илғор ишчи смена-ойлик топшириқларини мунтазам равишда 130 процент бажарган ҳолда юқори сифатли маҳсулот топширади.

М. Нуриддинов фотолари.

Район комитетларида

Сифатни унутганлар

Ҳамза район халқ назоратчилари 6-темир-бетон буюмлари заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини комплекс текширувдан ўтказдилар. Халқ назоратчилари 1975 йилда завод бракка чиққан маҳсулотлардан 13 минг сўм йўқотганлигини аниқладилар. Булардан ташқари 5 минг сўмлик металл, 26 минг сўмлик ёқилғи ва энергия ортиқча сарфланган. Ишлаб чиқариш ёмон ташкил этилганлиги сабабли корхона темир йўл вагонларининг бекор туриб қолганлиги учун 13 минг сўм жарима тўлади.

Ҳамза район халқ контроли комитетининг қарори билан 6-темир-бетон буюмлари заводи директори Е. Ленченкога ҳайфсан эълон қилинди. Шунингдек, корхона бош инженери А. Кийко ҳам қатъий огоҳлантирилди. Корхона раҳбарларига технология жараёнларини такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ортиқча чиқимларни камайтиришга қаратилган тадбирларни зудлик билан ишлаб чиқиш, амалга оширилган тадбирлар натижаси тўғрисида 1976 йил 1 майгача район халқ контроли комитетига маълум қилиш тавсия этилди.

●*Назоратчилар вахтада*

Партиянинг содиқ ёрдамчилари

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съездида халқ контроли органларига юксак баҳо берилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов съездда қилган докладида шундай деди:

«Партия комитетлари халқ контроли органларининг фаолиятини муҳим чоралар билан яхши йўлга қўйишлари, уларга доим ёрдам бериб туришлари, ташаббусни қўллаб-қувватлашлари, яхши тайёрланган ва принципиал активларни уларнинг ишларига жалб этишлари зарур».

Бизнинг Фрунзе районимизда беш мингдан ортиқ энг яхши ишчилар, хизматчилар, пенсионерларни ўз сафига бирлаштирган 617 группа ва постлар саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасаларда иш олиб бормоқдалар. Халқ назоратчиларининг асосий кўпчилигини коммунистлар, депутатлар, ишлаб чиқариш илғорлари ташкил этадилар. Улар ўзларининг иш жойларида ўрнак кўрсатибгина қолмасдан, балки, халқ контроли йўли билан амалга оширилган кўплаб рейд ва текширувларда ҳам қатнашадилар. Райондаги энг актив назоратчилар ҳақида гапирар эканмиз, аввало Николай Петрович Марков, Семён Васильевич Иванов, Фёдор Иванович Изюмников, Елизавета Константиновна Бородина ва бошқа кўплаб кишиларнинг номини тилга олишга тўғри келади.

Халқ контроли группа ва постларининг йирик масалаларни бошлаб кўнгилли равишда ниҳоясига етказганликлари тўғрисида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, абразив комбинати халқ контроли группасини (группа раиси И. Дудников) олиб кўрайлик. Группада юздан ортиқ назоратчилар иш олиб бормоқда. Ўтган йили ассортимент планининг бажарилишини таъминлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, иқтисодий режимга риоя қилиш каби масалалар билан боғлиқ 45 дан ортиқ текширув ўтказилди. Халқ назоратчиларининг куч-ғайратлари туфайли комбинатда 1975 йилда бир ярим минг киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси, 700 гигакалорий иссиқлик энергияси, 1600 тонна шартли ёнилғи тежаб қолинди.

Қолиплаш ва термотокарь цехлари узоқ вақт ассортимент планини фақат 30—40 процентдан бажардилар. Бу халқ контроли группасини ташвишга солди. Шундан кейин назоратчилардан А. Гончарова, Р. Беспалова, Н. Васильева, В. Тольчинскийлар цехларда технология интизомига қандай риоя қилинаётганлигини синчиклаб текширдилар. Текширув давомида кўпгина камчиликлар топилди. Назоратчилар талаби билан камчиликлар қисқа муддатда бартараф этилди. Натижада бугунги кунда қолиплаш ва термотокарь цехларида ассортимент планининг бажарилиши 90 процентга етмоқда.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ўткир кўзлари ҳам корхона партия комитети ва маъмуриятига сезиларли даражада ёрдам кўрсатмоқдалар. Улар кейинги пайтда 24 текширув, 6 рейд ўтказдилар. Механика заводида, пардозлаш фабрикаси, ип йигириш фабрикасида маҳсулот сифати текшириб чиқилди. 1-йигирув-тўқув фабрикасида ташкилий-техника ва тадбирлар планининг бажарилиши назоратга олинди.

Комбинатнинг тўққизинчи беш йиллик планга қўшимча тўққиз миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишида халқ назоратчиларининг катта ҳиссалари бор.

Район халқ назоратчилари ҳозир маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Халқ назоратчилари Леонид Ильич Брежневнинг КПСС XXV съезди минбаридан туриб айтган қуйидаги сўзларини ўзлари учун амалий дастур деб билмоқдалар.

«Биз сифат проблемасини жуда кенг маънода тушунамиз. Бу проблема хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Юқори сифат деганда, меҳнатни ва моддий ресурсларни тежаш, экспорт имкониятларини кўпайтириш, пировард натижада эса, жамият эҳтиёжларини яхшироқ, янада тўлароқ қондириш маъносини тушунмоқдалар. Шу боисдан ҳам планлаштириш ва бошқариш бутун механизми, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг бутун системаси, инженерлар ва конструкторларнинг куч-ғайратлари, ишчиларнинг маҳорати маҳсулот сифатини оширишга қаратилиши зарур. Партия ташкилотлари, касаба союзлари ва комсомол бу масалага доимо зўр диққат-эътибор беришлари керак».

Ана шу кўрсатмага амал қилиб, халқ назоратчилари район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари томонидан муттасил қўллаб-қувватланмоқдалар ва ёрдам олмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССР халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги Қарори талаблари асосида халқ контроли группа ва постларига партия раҳбарлигининг ҳолати ва уни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилган район партия активида район халқ контроли группа ва постларига партия раҳбарлигини яхшилашга қаратилган аниқ тавсиянома ва таклифлар айтилди. Яқинда район партия комитетининг бюроси «Абразив комбинати партия комитетининг халқ контроли группа ва постларига раҳбарлик иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди ва бу борада амалга оширилган ишларни маъқуллади.

Қабул қилинган тадбирлар группа ва постларга ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланиш, жамоатчилик бурчларини бажаришларида масъулиятларини ошириш имконини бермоқда. Бу, район халқ назоратчиларига КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этишда янада зўр куч-ғайрат билан ишлашларида ёрдам беради.

Р. ПОДМАРЕВ,
Фрунзе район халқ контроли комитетининг раиси.

Илғорлар тажрибаси—оммага

ҲАММАСИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва республика ҳукуматининг «Тошкент шаҳрини комплекс қуриш ва ободонлаштириш суръатлари ва сифат даражасини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Тошкент шаҳар партия комитетининг VII пленуми белгилаб берган тадбирларни Меҳнат Қизил Байроқ орденли 159-қурилиш трестининг кўп минг кишилик бунёдкорлар армияси ўзларининг кундалик ишларида капитал қурилиш суръат ва самарадорлигини янада ошириш, шаҳар хўжалигининг барча тармоқларини комплекс ва гармоник ривожлантириш, республика пойтахти аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган аниқ программ ҳаракат, деб билмоқдалар ва бунга амал қилмоқдалар.

1975 йилнинг ўзидагина уйлар ёнига яна 77 минг квадрат-метр турар жой, 4704 ўринли учта мактаб, 1120 ўринли боғча ва 27 та бошқа объектлар қўшилди.

Бундай ютуқларга эришишда трестнинг 215 кишилик халқ назоратчилари коллективининг муносиб улуши бор, албатта. Улар 125 группа ва 90 та постларга бирлашган бўлиб, участкалар ва объектларда бевосита иш олиб бормоқдалар. Халқ назоратчиларининг иқтисодий тежамкорлик юришида эришган ютуқлари ҳам мақтовга сазовордир. Ўтган йили трест бўйича 90 минг сўмлик иқтисодий тежамкорликка эришилди. Жумладан, 175 тонна металл, 370 куб-метр ёғоч-тахта, 950 тонна цемент ва кўплаб бошқа хил қурилиш материаллари тежаб қолинди.

Халқ контроли органларининг асоси группа ва постлардан ташкил топган. Принципли, талабчан коммунистлар, комсомол аъзолари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар ана шу группа ва постларга сайланганлар. Улар ўзларининг жамоатчилик вазифаларини шарафли бажаришларида, коллектив ўртасида обрў-эътибор қозонишларида партия комитети, маъмурият доимо ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ҳозир 81 коммунист, кўплаб комсомоллар ва ишлаб чиқариш активлари ўз ишларини трест халқ контроли бош группаси ҳамда қурилиш бошқармаларидаги 8 та группа томонидан тузилган, партия комитети томонидан тасдиқланган қатъий план асосида олиб бормоқдалар.

Трест партия комитети секретарининг ўринбосари, халқ контроли бош группасининг раиси Даврон Мунаварович Акрамов халқ назоратчиларининг партия ва ҳукумат қарорларини, трест коллективи олдига қўйилган ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишида қўшаётган ҳиссалари, халқ контроли группа ва постларининг структураси ва амалга ошираётган ишлари тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Трестда 35 кишидан ташкил топган бош группа бор, — дейди Д. М. Акрамов. — Улар турли касб эгаларидир. Шулардан 11 кишилик халқ контроли группасининг бюроси тузилган. Вазифалар бюро аъзолари ўртасида тақсимланган. Ҳозир улар ишлаб чиқариш, ташкилий ва шикоят бўлимларида иш олиб бормоқдалар.

Биз Даврон Мунаварович билан биргаликда трест халқ назоратчиларининг кейинги пайтларда ўтказган текширув ва рейдлари натижаларини кўздан кечирар эканмиз, бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган кўпгина масалаларнинг ижобий ҳал қилинганлиги ҳамда объектларда содир бўлган камчиликларнинг тезда бартараф этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Ҳар бир текширув ва рейд натижаси акт ёки справка билан расмийлаштирилган. Улар юзасидан текширув раҳбари бош группада ҳисобот беради. Топилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўша ташкилот раҳбарлари зудлик билан тадбирлар белгилайдилар. Бу тадбирларнинг қандай амалга оширилганлиги ва объектдаги аҳвол халқ назоратчилари томонидан белгиланган муддатда қайта текшириб чиқилади.

Шундай текширувларда — 13, 9 ва 53-қурилиш бошқармалари объектларида қурилиш материалларининг сақланиши ва улардан қандай фойдаланилаётганли г и қараб чиқилди. Текширув вақтида 9-қурилиш бошқармасининг «Марказ—27» кварталидаги объектида 2 куб-метр бетон қоришма фойдаланилмай қотиб қолганлиги, бошқа объектда эса 1,5 тонна цемент исроф бўлганлиги каби фактлар аниқланди. Ёки бошқа бир мисол. Бош группага трестнинг темир-бетон заводидан биринчи квартал плани хавф остида эканлиги тўғрисида хат келди. Маълум бўлишича, баъзи қурилиш объектлари бетон ва қоришма зарур бўлган тақдирда ҳам заявка бермаганлар. Завод эса пландан орқада қолиб кетган. Зудлик билан бунинг олди олинди. Шунингдек 10-қурилиш бошқармасида олиб борилган текширув натижасида иш ҳақи фондида ортиқча харажатга йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Бошқарма раҳбари бундай камчиликка йўл қўйган шахсларга нисбатан жазо қўллади, баъзи бир ходимлар ишдан четлаштирилди.

Булардан ташқари трестда сифат бўйича техника инспекцияси тузилган. Инспекция ҳафтанинг сешанба кунлари объектларда бўлиб, қурилиш-монтаж ишларининг сифатини, ишлаб чиқариш қандай ташкил этилганлигини, материалларнинг сақланиши каби масалаларни текширади. Инспекция составида трест халқ контроли бош группасининг аъзолари иштирок этадилар.

Октябрь район партия комитетининг бюроси районда иш олиб бораётган қурилиш бошқармалари объектларни белгиланган муддат да бажармаётганлиги масаласини кўрди. Шундан кейин бош группа районда қурилаётган объектлар устидан назоратни кучайтирди. Натижада объектларни муддатда топшириш таъминланди. Бош группа айниқса мактаб ва боғча биноларининг муддатида топширишга ва сифатига алоҳида эътибор бермоқда.

Трест халқ назоратчиларининг намунали ишлари ҳақида гапирар эканмиз, булар орасидаги энг яхшиларнинг яхшилари номини тилга олмасдан бўлмайди. Булар — 53-қурилиш бошқармаси халқ контроли группасининг раиси, участка бошлиғи А. Ҳасанов, бош группа аъзоси, 9-қурилиш бошқармаси план бўлимининг бошлиғи Э. Кутузова, шу бошқарма ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи Л. Е. Сигал, 3-қурилиш бошқармаси пайвандчилар бригадаси бошлиғи, бошқарма партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Я. Фолц, 13-қурилиш бошқарма халқ контроли группасининг раиси, план бўлими бошлиғи Р. Муҳаммаджонов каби жонкуярлардир.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

•Ҳаво мусаффо бўлсин десангиз • Гриппга энг яхши даво • Алоэнинг яна бир хосияти • Физиотерапия поликлиникаси янгиликлари

«ЮЗ ЙИЛЛИК» ГУЛ ШАРБАТИ

ХОНАДА гул ўстириш кишиларнинг қадимий, севимли ва яхши одатларидан биридир. Чунки хонада ўстирилган хонаки декоратив гуллар фақат кишининг бахри-дилини очиб қолмай, асабини тинчлантиради, хонага файз бахш этади, хонанинг ҳавосига ижобий таъсир қилади. Хонадаги шовқинни, чанг зарраларини, кишиларнинг нафаси билан чиққан зарарли газларни ютади, ҳавони тозалайди, кислород билан бойитади.

Хонаки гуллар ичида энг машҳури ва жаҳон бўйича энг кўп тарқалган тури алоэдир. Тўғри, ташқи кўриниши жиҳатидан у гулга ўхшамасада, биз уни гул деб атадик. Чунки алоэ ҳар юз йилда бир марта қизил, сариқ ва яшил рангларда гуллайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзида уни «юз йиллик» деб ҳам атайдилар. Гуллари эса гўзаллик ва мафтункорликда атиргуллардан қолишмайди.

Шарқнинг буюк мутаффакири Абу Али Ибн Сино ҳам ўз вақтида Хитой, Ҳиндистон ва Арабистон мамлакатларидан келтирилган алоэ дарахтидан тайёрланган дори-вор моддалар тўғрисида ва уларни ишлатиш йўллари ҳақида ўзининг «Тиб қонунлари» асарининг II жилдида кенг маълумот берган. Машҳур олим алоэ дарахтини агал, луэжи, агладжун, хашт дахан ва уд каби номлар билан атаган бўлиб, бу дарахтлардан тайёрланган доривор моддаларни нафас олиш, овқат ҳазм қилиш органлари ва бўғин касалликларида, биқин оғриши, ич оғриши каби ҳолларда ва косметик тажрибада ишлатиш мумкинлигини уқтириб ўтган. «Бу дарахтнинг пўстлоғи терини турли хил рангларга бўяйди» — дейилади бу асарда.

Алоэнинг асл макони Жанубий ва Шарқий Африка, Шри Ланка, Арабистон, Шарқий Ҳиндистон, Жанубий Хитой каби мамлакатлар бўлиб, у ерларда алоэнинг 180 дан кўпроқ тури учрайди, уларнинг ичида жуда улканлари ҳам бор. У ўлкаларда маҳаллий аҳоли алоэ дарахтидан ўнлаб литрча шарбат йиғиб оладилар.

Алоэнинг баъзи турлари тўқимачилик саноати учун ҳам хом ашё бўлиб, унинг толаларидан ип, арқон, палос ва гиламчалар тайёрлашда кенг қўлланилади.

Алоэни жасурлик ва чидамлилик тимсоли деб бежиз айтишмайди. Чунки у юқорида номлари айтилган ўлкаларнинг жазирама иссиғи тафтида саҳро ва ярим саҳроларда бемалол ўсаверади, унинг барги — шохлари юпқа мўмсимон парда билан қопланган бўлиб, у ўзидан намликни ўтказмайди.

Алоэни машҳур қилган нарса унинг гўзаллиги ҳам, чидамлилиги ҳам эмас, унинг шарбатидир. Бекорга уни «Саломатлик шарбати» дейилмаган. Чунки у жуда кўп хасталикларга ажойиб доривор моддадир. Алоэ шарбати умумий кам қувватлик, озғинлик каби ҳолларда ва тери касалликларига қарши қадимдан кенг қўлланилиб келинмоқда.

Кейинги йилларда химиклар, шифокор олимлар алоэ шарбатининг химиявий таркибини ва одам организмига таъсир қилиш хусусиятини яхши ўрганиб чиқдилар ва ўрганмоқдалар. Алоэ шарбати таркибида антраглюкозидлар — антрахиноннинг қандли бирикмалари бўлиб, у организмга тушгач кўпгина оралиқ моддаларга парчаланади. Бу оралиқ моддалар эса ошқозон ва ичакларда овқатнинг ҳазм бўлишига ёрдам беради, ичак ҳаракатини кучайтиради. Шунинг учун ҳам алоэ яхшигина сурги моддадир. Ички касалликлардан ошқозон шираси кислоталиги пасайиши билан кечадиган ошқозон шамоллаши, йўғон ичакнинг сурункали яллиғланиши каби касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

Алоэ шарбати таркибида бактериоцид (микробларни ўлдирувчи) хусусиятга эга бўлган модда ҳам бор. Шунинг учун бўлса керак, оддий уй шароитида алоэ барги билан жароҳатни стерилбинт ёрдамида боғлаш жароҳатнинг ва терини кўпгина йирингли касалликларининг тезда битиб кетишига ёрдам беради. (Кези келганда айтиб ўтиш керакки, алоэнинг бу хусусиятидан Искандар Зулқарнайнинг жангда жароҳатланган аскарларини даволашда кенг фойдаланганлар).

Алоэнинг хизматлари фақат юқорида айтганларимиз билан чегараланмайди. Киевлик олим В. П. Филатов алоэнинг яна бир хусусиятини кузатдики, бу билан унинг машҳурлиги яна ҳам ошди. Олимнинг кузатишича, алоэнинг ёш барглари қоронғиликда, 4—8 даража Цельсий иссиқликда сақланса, алоҳида бир моддалар ишлаб чиқараркан, бу моддалар организмдаги ҳаётий зарурий жараёнларни тезлаштираркан ва кучайтираркан. Кўпгина сурункали касалликларнинг тузалиб кетишига ёрдам берувчи бу моддалар биоген стимуляторлар деб аталади. Ҳозирги кунда алоэдан ташқари, биостимуляторлик хусусиятига эга бўлган бошқа кўпгина моддалар ҳам топилган ва синтез қилинган. Биостимуляторлар юқорида айтиб ўтилган антраглюкозид ҳам эмас, оқсил ҳам эмас (чунки оқсиллар юқори температурада увиб қолиши натижасида ўз хусусиятини йўқотади. (Биостимуляторлар эса 120 даража Цельсий температурада ҳам ўз хусусиятини сақлаб қолади). Химикларнинг айтишига қараганда, биостимуляторлар асосан органик кислоталардан ташкил топган кўпгина моддалар «гулдастасидир». То ҳанузгача биостимуляторларнинг яна кўпгина хусусиятлари сир бўлиб қолмоқда.

Алоэ баргидан тайёрланган экстрактни кўзнинг сурункали касалликларини (блефарит, конъюнктвит, кератит, ирит ва бошқаларни), ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси касалликларини, бронхиал астма, экзема ва бошқа кўпгина гинекологик касалликларни даволашда врачларимиз кенг қўлламоқдалар.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи бир беморлар ёки ўзини бемор ҳисоблаганлар ёки ўзининг ички қувват ва қобилиятини оширишга ихлосманд бўлганлар алоэ ва алоэдан тайёрланган доривор моддаларни врачларнинг маслаҳатисиз, мустақил равишда ёки «табиб — табиб эмас, бошидан кечирган—табиб» деювчиларнинг «рецепт»лари билан тажрибада кенг қўлламоқдалар. Бу жуда нотўғри.

Алоэнинг кўпгина фойдали хусусиятларидан ташқари, зарарли томонлари ҳам бор. Уни жигар ва ўт пуфаги, пешоб пуфаги, ошқозон ва ичакларнинг ўткир яллиғланиши, бавосил ва ҳайз кўришнинг бузилиши каби касалликларда, ҳомиладорлик ва ҳайз кўрган пайтларда қўллаш тавсия қилинмайди. Бундан ташқари, алоэ кўнгил айниш, терида тошма пайдо бўлиш, ошқозон соҳасида оғриқ каби кўнгилсиз ҳолларни ҳам чақириши мумкин.

Ҳаётда идеал фойдали нарса бўлмаганлиги сингари, алоэни ҳам билмасдан қўллаш натижасида, «қош қўяман деб кўз чиқариб қўйиш» мумкин. Шундай экан, ҳар бир нарсадан мақсадга мувофиқ, тўғри фойдаланган маъқул, шу жумладан алоэдан ҳам.

Н. ЗАЙНИДДИНОВ,
Ўзбекистон санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий текшириш институтининг аспиранти.

Гриппга қарши янги вакцина

СССР Фанлар академиясининг президенти А. П. Александров партия XXV съездида сўзлаган нутқида жумладан Ленинграддаги Б. П. Константинов номидаги ядро физикаси институтининг мутахассислари РСФСР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли Пастер номли эпидемиология ва микробиология институтининг медиклари билан биргаликда гриппнинг олдини олишда ишлатиладиган янги вакцина яратганликлари ҳақида гапирди.

Шу тадқиқот ишларининг мақсади — тозаланган грипп вирусидан концентрацияланган ўлик вакцина яратишдан иборатдир. Шу препарат синаб кўрилганида ҳозирги вақтда ишлатилаётган тирик грипп вакцинасига нисбатан афзаллиги маълум бўлди. Қисқаси шуки, шу вакцинани олган кишиларнинг жуда кўпчилиги гриппга чалинмайди.

Янги вакцина ясалаётганида грипп вирусини йиғиш ва тозалашнинг бирмунча тез, оригинал методидан фойдаланилади. Вирусологлар, физиклар ва технологларнинг муваффақиятли ҳамкорлиги натижасида шу метод келиб чиқди. Лекин ҳозирча лабораторияда вакцина ҳосил қилиш методидан уни саноат кўламида етиштиришни ташкил этишга ўтиш масаласи мушкул бўлиб турибди.

СССР ва РСФСР Соғлиқни сақлаш министрликлари аҳолини энг оммавий касалликдан ҳимоя қилувчи самарали восита излашга ниҳоятда муҳим аҳамият бериб, вакцина лабораторияда намуналарини чекланган миқдордаги кишилардагина синаб кўришни ташкил қилдилар.

Совет олимлари яратган самарали грипп вакцинасидан оммавий фойдаланиш сўзсиз шартларидан бири игнасиз инъекторлар воситасида эмлашдан иборатдир (вакцина тери остига юборилади). Кейинги йилларда мамлакатимизда шундай инъекторлар ишлаб чиқилди ва саноатимиз соғлиқни сақлаш эҳтиёжлари учун етарли миқдорда тайёрлаб бермоқда. 1977 йилда мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида янги вакцинани синаш мўлжалланади.

П. БУРГАСОВ,
СССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, СССР Давлат бош санитария врачи, СССР медицина Фанлари академиясининг академиги.

(ТАСС).

Халқимиз сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилишда шифокорлар сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Шаҳар физиотерапия поликлиникасида меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатилаётганидан ҳамма мамнун бўлапти. Поликлиника энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

СУРАТЛАРДА: ўнгда — ультратовуш аэрозоли кабинетида беморлар агрегат ёрдамида даволанишмоқда; юқорида — клиника лабораториясининг ишчан лаборантларидан Муҳтабар Саидова ва Шоира Муслимова анализ ўтказишмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.

Аҳоли саломатлиги йўлида

ДАВР НАФАСИ

АВВАЛ

«Эски Тошкент шаҳар ижрокоми Шайхантоҳурдаги касалхонани тузатиш учун беш минг сўм пул ажратган».

«Фарғона» газетаси, 1924 йил, сентябрь.

ҲОЗИР

Ҳозирги пайтда пойтахт аҳолиси саломатлигини сақлаш йўлида катта ишлар олиб борилмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатган чексиз ғамхўрлиги туфайли пойтахтимизда ишлаб турган даволаш муассасаларининг сони 186 тага етди. Улар йирик касалхоналар, болалар даволаш муассасалари, поликлиникалар, амбулаторияларидир. Бу муассасаларда ҳозирги замон медицина фанининг сўнгги ютуқлари асосида хизмат кўрсатаётган врачлар ва ҳамшираларнинг умумий сони 8 минг кишидан ошади. Шифохоналарда ҳаммаси бўлиб, 12 минг бемор ўрни ишлаб турибди.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг ўринбосари Леонид Григорьевич Рейм шаҳарда медицина муассасаларининг тараққиёти ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Ҳозирги кунда 1-касалхона учун 2 та янги медицина корпуси бинолари қурилиши олиб борилмоқда. Улар хирургия ва терапевтикага мўлжалланган. Бинолардан бири бу йил, иккинчиси келгуси йил ишга туширилади. Шаҳримизнинг гўзал ва обод уй-жой массивларидан бири бўлган «Юнусобод»да болалар кўп профилли касалхонаси қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. 350 ўринли бу касалхона шу йил ишга тушади. Айни пайтда шаҳарда бир йўла учта замонавий поликлиника қурилиши олиб борилмоқда. Уларнинг ҳар бири бир кунда 750 кишига хизмат кўрсатади. Бу поликлиникалар Октябрь районидаги «Марказ— 14» кварталида, Фрунзе районидаги Абдулла Қаҳҳор кўчасида ҳамда Чилонзор массивида қурилмоқда. Бундан ташқари шаҳар медицина «тез ёрдами» учун минг ўринли касалхона биноси қурилиши планлаштирилган. Ҳозир унинг лойиҳаси тайёрланмоқда.

•Маданият хабарлари

«ПАРТИЯГА, ВАТАНГА, СОВЕТ КИШИСИГА БАҒИШЛАНАДИ»

Ўзбекистон Маданият министрлиги партия XXV съезди шарафига энг яхши музика асари учун ўтказган республика конкурси ана шундай деб аталади.

«Ватан» қўшиғи учун композитор Б. Гиенко ва шоир Т. Тўла, «Коммунистик партия» қўшиғи учун композитор С. Варелас ва шоир Н. Куликов, «Партия байроқдор» қўшиғи учун композитор С. Бобоев ва шоир К. Отабоев, «Тунги патруль» қўшиғи учун композитор Д. Зокиров ва шоир А. Пўлат конкурс дипломларига сазовор бўлдилар.

Жюри ёш композитор М. Маҳмудовнинг онани улуғловчи «Она мадҳи» деб аталган вокал-симфоник поэмасини, шунингдек Э. Воҳидов шеъри асосида ёзилган С. Жалилнинг «Ўқитувчи мадҳияси» асарини ҳам юксак баҳолади.

АМЕРИКАЛИК РАССОМНИНГ ҲАДЯСИ

Америкалик прогрессив рассом Элтон С. Факс Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейига йигирмата асарини ҳадя қилди. Бу расмларнинг ҳаммаси Э. Факс Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкентдаги конференцияси ишида журналист сифатида қатнашиб Ўзбекистонда бўлган чоғида ишланган.

Рассом Тошкент, Бухоро, Самарқанд кўчаларида кўрганларини самимият билан ҳикоя қилган. Унинг қалами бугунги ўзбек аёлининг ғурурли, кўркам чеҳрасини, бобо билан набиранинг самимиятларини акс эттирган, китоб магазинидаги бир кўринишни ифодалаган.

Э. Факс Ўзбекистонда ишлаган расмларини «Негр рассом кўзи билан» деган китобига киритган. У Ўзбекистонда кўрганлари тўғрисида «Нью уорлд ревью» журнали, «Дейли уорлд» газетаси саҳифаларида ҳам баён қилган, тасвирлаган. Э. Факс ёзувчиларнинг Олмаотада бўлиб ўтган халқаро анжумани тўғрисида ҳикоя қилиб берган «Нью уорлд ревью» газетасининг кўш саҳифасида рассом шу анжуман иштирокчиларини ҳам тасвирлаган. Улар орасида шоира Зулфияни кўрамиз.

(ЎзТАГ).

ЎСИМЛИК — ИНСОН ДЎСТИ

Ҳар бир киши унумли меҳнатдан кейин салқин, тинч ва осойишта жойда хордиқ чиқаришни хуш кўради. Мана, фасли баҳор ҳам келди. Меҳнаткашларимиз солқин жой истаб кўкаламзорларга, боғ ва хиёбонларга ошиқмоқдалар. Ҳовлиларга, уй олдиларига, кўча четларига мактаб, болалар боғчаси, завод ва фабрика атрофларига, спорт майдончаларига турли дарахтлар, нав-ниҳоллар ва гул кўчатлари ўтқазишади. «Яшил дўст»ларимиз бизни фақат иссиқдан ҳимоя қилиб қолмай, яна бир қанча ажойиб хусусиятларга ҳам эга.

Кўкаламзорлар кишиларга эстетик завқ бағишлайди, ҳавони тозаловчи улкан фильтр ҳисобланади. Ўсимликлар ҳаво таркибидаги карбонат ангидрид газини ютиб, ўзидан кислород ажратиб чиқаради. Баъзи ҳисобларга қараганда, бир гектар ердаги яшил ўсимлик бир соат ичида 8 килограмм карбонат ангидрид газини ютади, бу, икки юз кишининг шу вақт ичида ажратиб чиқарган карбонат ангидрид газига тенгдир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Тошкент шаҳрининг истироҳат боғларида кўкаламзорлаштирилмаган жойларга нисбатан, сульфат ангидриди 2 марта, чанг эса 5—6 марта камлиги аниқланган. Кўпгина дарахтларнинг барглари касаллик чақирувчи бактериялар кўпайишини тўхтатувчи моддалар (фитанцидлар) ишлаб чиқариш қобилиятига эга.

Ҳаммага маълумки, сўнгги ўн йил ичида шаҳримиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Қанчадан-қанча ҳашаматли кўп қаватли турар жойлар, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, болалар боғчалари, мактаблар, янги магистрал кўчалар бунёд этилиб, шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшаяпти. Шу билан бирга, кўчаларда турли транспорт қатнови ҳам кўпайиб, бу шовқиннинг кучайишига сабабчи бўляпти. Бу табиий ҳол, албатта. Лекин кўчадан келаётган шовқиндан эшик-деразаларни ёпиб ёки қулоқни беркитиб ўтириб бўлмайди-ку! Шовқиндан қутилишда ҳам «яшил дўст»лар ёрдам беради. Япроқли дарахтлар: тол, дуб, терак, чинор ва шуларга ўхшашлар ўзларига тушаётган овоз тўлқинининг 26 процентини ютиш, 74 процентини қайтариш ва сочиш хусусиятига эга.

Кўкаламзорлаштирилган кўчаларда шовқин бирорта дарахтсиз кўчаларга нисбатан ўн марта кам эканлиги амалда текширилган. Шунинг учун ҳам кўча ва уй атрофларини кўкаламзорлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш фойдадан холи эмас.

Уй олдиларидаги ўтқазилган дарахтлар, балконлардаги чирмовиқ гуллар кўчадан келаётган шовқин кучини 6—8 марта камайтиради, «яшил дўст»ларимиз ташқи муҳитнинг ҳароратини ва ҳавонинг намлигини нормаллаштиради. Шунинг учун ҳам халқимиз баҳор яқинлашиши билан ҳамма жойда кўчат ўтқазишни бошлаб юборади. Лекин баъзи ҳолларда кўчатлар тартибсиз, дуч келган жойга ўтқазиб ташланганлигини ва бу кўчатларга қаровсизлик ҳолларини, қуриб қолганлигининг гувоҳи бўламиз.

Кўкаламзорлаштириш ойида кўчатларни тартибли ўтқазиб, уларга вақт-вақти билан қараб парвариш қилиб туриш бутун жамоатчиликнинг иши бўлиб, бу ишдан ҳеч ким четда қолмаслиги керак.

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ,
профессор.

Шифобахш дори

Инглиз олимлари куйган кишиларга жуда тез таъсир кўрсатаоладиган вакцина яратдилар. Бу вакцина жароҳат кўрган киши касалхонага келтирилиши биланоқ унга берилса инфекция билан курашга организмни сафарбар этади.

Сув ифлосланса...

Балиқлар ва моллюскалар ҳам рак билан касалланиши мумкин. Уларда юз берадиган шишлар жониворларнинг организми ичида ҳам, баданнинг устки қисмларида ҳам пайдо бўлиши мумкин. Франция олимлари денгизда яшовчи жониворларда рак сувнинг ифлосланиши оқибатида юз беришини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

АМУДАРЁ ВОДИЙСИДАГИ НАФЛИ ИЛДИЗ

Янгилик шарҳи

Еввойи қизилмияга бой Амударё водийсида мамлакатда биринчи Чоржўй қизилмия хўжалиги қурила бошланди.

Медицинада саноатнинг, турли соҳаларида қизилмия илдизидан кенг кўламда фойдаланилади. Қизилмия анча-мунча ерларда ўсса-да, Амударё водийсида сероброқ.

— Мамлакатимизда,— дейди Бутуниттифоқ «Союзлакрица» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Л. А. Варганов, — ҳозирга қадар қизилмия экилмасди— табиий ўсадиганларидан фойдаланиб келинарди. Лекин кейинги йилларда қизилмия камайиб кетганлигидан шу қимматли ўсимликни экиб етиштириш масаласи келиб чиқди. Бунинг учун Қорақалпоғистон АССРда, Ўзбекистон ССРнинг Сурхондарё областида, Қозоғистон ССРнинг Қизил Ўрда областида ва Туркманистон ССРнинг Чоржўй областида тўртта қизилмия хўжалиги ва учта ихтисослаштирилган совхоз тузиш мўлжалланади. Ўнинчи беш йиллик охирига бориб, йилига 62,5 минг тонна қизилмия илдизи етиштириладиган бўлади. Бу рақам ҳозиргидан уч баравар кўп.

«КОСМОС» ОРБИТАСИ

ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Моделист-конструктор» журнали ҳамда СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкаси Звездний шаҳарча мутахассислари, Калуга шаҳридаги К. Э. Циолковский номли Космонавтика тарихи давлат музейи ҳамда Житомир шаҳридаги С. П. Королев ёдгорлик уй-музейи мутахассисларининг иштирокида ташкил этган Бутуниттифоқ олтинчи «Космос» конкурси финалининг якунлари чиқарилди. Мамлакатнинг турли районларидан 200 дан ортиқ мактаб ўқувчиси жюри муҳокамасига юзга яқин модель, макет ва стендлар юбордилар.

Космонавтика куни СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасининг «Ёш табиатшунослар ва техниклар» павильонида «Ёш техниклар космосга» деган виставка очилади. Конкурсдаги энг яхши ишлар шу виставкада кўрсатилади. Сўнгра бу ишлар чет мамлакатлардаги болалар ижодиёти виставкаларида бўлади.

(ТАСС).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Экспозиция ҳикоя қилади

СОФИЯ. Софиядаги Г. Димитров музейида очилган янги экспозиция «Георгий Димитров —фашизмга қарши, ягона фронт учун, социализм учун курашчи» деб аталади. Кўпгина ҳужжатлар ва фотосуратлар болгар халқи буюк фарзандининг ягона антифашист фронтни вужудга келтириш ва социалистик Болгарияни ўрнатиш соҳасида тинимсиз иш олиб борганлиги ҳақида ҳикоя қилади.

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК

ҚОБУЛ. Афғонистон давлатининг бошлиғи ва бош министри Муҳаммад Довуд Рейтер агентлиги мухбири билан суҳбат қилди. Шу суҳбат текстини «Жумҳурият» газетаси босиб чиқард.

М. Довуд СССР Олий Советн Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийнинг ўтган йили Афғонистонга қилган визити дўстона визит бўлганлигини ва бу визитнинг мақсади ҳар иккала мамлакат ўртасидаги доимий дўстона муносабатларни мустаҳкамлашдан ва бетарафлик ҳамда бир-бирига ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартноманинг амал қилиш муддатини чўзиш тўғрисидаги протоколни имзолашдан иборат бўлганлигини таъкидлади.

Афғонистонни «баъзи бир доиралар» гўё СССРнинг «сателлити» деб ҳисоблаётганликлари тўғрисида мухбирнинг иғвогарлик мақсадида берган саволига жавобан давлат бошлиғи бундай деди: «Тинчликсевар миллат бўлган афғон халқи жаҳондаги барча халқлар ва миллатлар билан, айниқса ўз қўшнилари билан дўстликка, яхши ва самимий муносабатда бўлишга интилади».

Афғонистон ҳеч қачон «сателлит» бўлган эмас, деб таъкидлади М. Довуд. «Рейтер» агентлиги революциянинг биринчи кунлариданоқ шундай тушунча ва фикрни тарғиб қилиб келди, бу фикрнинг нимадан иборат эканлиги ва қандай мақсадни кўзлаганлиги сизларга яхши маълум»,— деди у.

Прага метросини ҳақли равишда Чехословакия — Совет дўстлиги қурилиши деб атайдилар. Метронинг Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилган биринчи навбати 1974 йилнинг май ойида ишга тушган эди. Ҳозир ер ости трассасининг иккинчи радиуси қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

СУРАТЛАРДА: Социалистик меҳнат бригадасининг бошлиғи Мирослав Фишер (чапда) ва совет мутахассиси Евгений Стародубцев метро қурилишида; метро иккинчи радиусининг туннели.

ЧТК—АПН фотоси.



УРАН ПЛАНЕТАСИ САРИ...

НЬЮ-ЙОРК. «Флайт интернэшнл» журналининг хабар беришича, Американинг «Пионер — 10» космик аппарати февраль ўрталарида Сатурн орбитасини кесиб ўтган. У 1979 йилда Уран орбитасини кесиб ўтиб, Қуёш системаси чегаралари сари йўлланиши керак. Бу аппарат Юпитерни тадқиқ этиш учун учирилган. У 1973 йилнинг декабрида Юпитер яқинидан учиб ўтиб, планетани суратга олган ва шу ҳақдаги маълумотларни ерга юборган эди. Ҳозир «Пионер— 10» ердан 1,6 миллиард километр масофада кетмоқда.

Родезия учун ёлланган солдатлар ва танклар

ЛУСАКА. Родезия режими Зимбабве ватанпарварларига қарши жазо операцияларида бошқалар билан бир қаторда ёлланган инглизлардан ҳам фойдаланмоқда. «Замбия дейли мейл» газетаси ана шу ёлланган кишилардан бирининг айтган гапларини босиб чиқарди.

Ўз номини Поль деб таништирган бу киши Англияда ёлланганлигини ва 70 кишидан иборат группа билан биргаликда Родезияга юборилганлигини Замбия газетасининг мухбирига маълум қилди. Уруш ҳаракатлари давом этаётган районга келиши биланоқ ёлланган кишилардан иккитаси партизанлар билан бўлиб ўтган тўқнашувларда ўлдирилган, яна икки киши Родезия самолёти билмасдан ўт очган пайтда ҳалок бўлган.

«Таймс ОФ Замбия» газетаси Англия ҳукумати Родезия ирқчилари учун кишиларни ёллашга йўл қўйиб бермоқда, деб айблайди. БМТ томонидан ирқчи Родезияга нисбатан белгиланган иқтисодий жазо чораларини очиқдан-очиқ бузаётган Англия компанияларига нисбатан ҳам бирон-бир чора кўрилаётгани йўқ.

Варшава воеводлигининг шуҳрати

ВАРШАВА. Одатда Польша пойтахти ва Варшава воеводаси тўғрисида республиканинг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган саноат маркази, деган гапни ёзишади.

Аммо пойтахт воеводаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда ҳам муҳим ўринни эгаллаб турибди.

Силезия кончиларигаатаълган янги узилган сабзавот ортилган эшелонлар Варшавадан жўнатилади, чет эллик буюртмачилар учун мўлжаллэнган пиёз ва карам ортилган транспорт ҳам шу ердан йўл олади.

Пойтахт аэродромидан парвоз қиладиган самолётлар москваликлар билан берлинликларга гул элтиб берадн. Бу ерда экинзорларнинг ҳар гектаридан 946 килограммдан сабзавот ва 192 килограммдан мева ҳосили олиниб, реализация қилинади. Бу — мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан анча ортиқдир.

Тошкент шаҳар социал таъминот бўлимига қарашли ҳунар-техника билим юрти доимо ёшлар билан гавжум. Бу илм даргоҳининг тикувчилик группасида қирқдан ортиқ ёш мутахассислар таълим олишмоқда.

СУРАТДА: шу группа ўқитувчиси Шарофат Ортиқова бир группа ўқувчилар билан амалий машғулот ўтказмоқда.

Ф. Абдурасулов фотоси.

▲ СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

МУСТАҲКАМ «БИКАРУЛ»

Янги битум-каучук ўров материали «Бикарул» деб аталди. У магистрал нефть қувурлари ва газ қувурларини изоляцияловчи қопламаларини муҳофазалашда ишлатилади.

«Бикарул» илгари ишлаб чиқарилган «Бризол»га нисбатан беш баравар пишик ва совуқликка кўпроқ бардош беради. Чунончи, рулонига икки баравар кўп материал кетади. «Бикарул» ишлатилганда изоляциянинг хизмат муддати 1,5—2 баравар кўпаяди. Қурилишда меҳнат унумдорлиги икки баравар ошади.

Бу янгилик СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Газ саноати» павильонида намойиш қилинмоқда.

ЭЛЕКТРОН «ҚУЛОҚ»

Янги ЭАТ—2 (электрон — акустик тешик излагич) ер ости иссиқ сув қувурларидаги носозликни тез ва ғоятда аниқ топади. Рязань радиотехника институтида ишлаб чиқилган электрон «қулоқ» 3 метргача чуқурликдаги акустик шовқинларни тинглаб озгина бўлсада механик тебранишларни пайқайди. Электр сигналларига айлантирилган шу тебранишлар шикастланган жойни кўрсатади. Уни битта оператор ишлатади.

Рязань институтининг ходимлари СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Машинасозлик» павильонида шу асбобни кўрсатяптилар.

(ТАСС).

• *Шаҳар—қишлоққа*

ЯНГИ СОВХОЗГА

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг асаларичилик бошқармаси ходимлари республикамизда кўплаб асаларичилик хўжаликларини ташкил этмоқда. Жиззах областида ихтисослашган асаларичилик совхози ташкил этилди.

Бугун

ТОШКЕНТДАН АСАЛАРИ УЯЛАРИ УЧУН 20 МИНГДАН ОРТИҚ ҲАР ХИЛ МЕТАЛЛ ВА РАМКАЛАР ОРТИЛГАН МАШИНАЛАР ЖИЗЗАХГА ЖЎНАБ КЕТДИ. УЛАРДА 300 ДАН ОРТИҚ АСАЛАРИ УЯЛАРИ БОР.

Асаларичилик бошқармаси шу йили Сибирга ва Байкал-Амур магистралига ҳам кўплаб асаларн уясини жўнатади.

• Қизиқ гаплар

ФИЛ-УЙГА... МЕҲМОНГА КЕЛДИ

...Ульяновск шаҳридаги уйлардан бирида истиқомат қилувчи оилага филнинг ўзи меҳмон... бўлиб келди. Бу воқеа шаҳарда Москванинг кўчма зооцирки гастролда юрган кезларда содир бўлди. Шерри лақабли она фил вақтни пойлаб туриб цирк тўсиқларидан сакраб ўтди-да, яқин уйлардан бирига қараб равона бўлди. Фил уй подъезди олдига келиб биринчи қаватга кўтарилди. Ғайри-табиий тақиллашни эшитган уй бекаси эшикни очди-ю, шу заҳотиёқ эсанкираганидан уни таққа бекитди. Ана шу вақтда фил уй ўйлаб, хаёл суриб турганида цирк хизматчилари югуриб келишиб уни ушлаб олишди. Филни кўчага олиб чиқишнинг ўзи бўлмади. Цирк хизматчилари уни бир амаллаб ерга ўтказиб олишга кундирганларидан сўнг шу ҳолатда унинг бош томонини зинапоя майдонига қаратиб шу алпозда подъезддан бир амаллаб олиб чиқишди.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31|III да **Бой ила хизматчи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31|III да **Ужарлар.**

КИНО

31 МАРТДА

Анна ва командор — «ДРУЖБА» (19.00, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Хўрланганлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (18.00, 21.00), «ТИНЧЛИК» (17.00, 20.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ҚОЗОҒИСТОН» (17.00, 20.00).

Қисқа муддатли отпуска — «НУКУС» (20.45).

Жек мўъжизалар ўлкасида — «КУКЧА» (17.00, 19.00, 20.50).

Моҳир учувчи — С. РАҲИМОВ номли (жуфт соатларда).

Саҳро ва чангалзорларда — Ғ. ҒУЛОМ номли (17.00, 20.00).

Ҳамроз — «ЯНГИОБОД» (17.00, 20.00).

Мақсад сари — «ТИНЧЛИК» (18.30, 21.15).

1 АПРЕЛДА

Анна ва командор — «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 19.00, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Хўрланганлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00), «ТИНЧЛИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Жозибали бахт юлдузи — «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Қисқа муддатли отпуска — «НУКУС» (11.00, 13.00, 15.00, 20.45).

Жек мўъжизалар ўлкасида — «КУКЧА» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.50).

Моҳир учувчи — С. РАҲИМОВ номли (жуфт соатларда).

Саҳро ва чангалзорларда — Ғ. ҒУЛОМ номли (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Ҳамроз — «ЯНГИОБОД» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Мақсад сари — «ТИНЧЛИК» (12.30, 15.30, 18.30, 21.15).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

31 МАРТ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

БАҲОР ТАРОНАЛАРИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ

Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА;

VI Жаҳон фестивалининг лауреати ОТАЖОН РАЖАБОВ;

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ;

Миниатюра ва интермедияларда: Турсунбой ҲАКИМОВ, Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ, Рихсибой ТЎХТАЕВ, Низомиддин ОЛОВИДДИНОВ ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Режиссёр — Сотимхон ИНОМХЎЖАЕВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист — Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Ханифа ОРТИҚБОЕВА олиб борадилар.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

31 МАРТ — ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Юлдузча». Телевизион журнал (ўзб.). **Рус тилида:** 18.30 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Прогресс» программаси. 19.00 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съездининг тарихий аҳамияти». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. **Ўзбек тилида:** 19.30 «Зангори экран» почтаси. Самарқанд области телетомошабинларининг хатларига жавоб берамиз. 20.00 «Иқбол» программаси. «Эркин ҳаёт» телевизион журнали. 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 Ёш ижрочилар концерти **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «КПСС XXV съезди қарорлари — ҳаётга!». «Бунёдкор» программаси. (ўзб). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.55 «Капитан Немо». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Расмларда қуёш акси бор». 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Опера билан танишув». М. Мусоргский. «Борис Годунов». **Тошкент кўрсатади.** 22.00 Ўқитувчилар учун консультация (рус.). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Спортлото» тиражи. 22.40 «Балли қизлар!». 00.10 Янгиликлар.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.15 «Ажал сиртмоғида». Бадиий фильм. 21.35 «Тошкент» телепрограммаси. «Партия планлари — халқ планлари» (ўзб.).

1 АПРЕЛЬ — ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.30 «Қувноқ концерт». 11.00 «Камолот ёшидаман». Бадиий фильм. 15.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Рус тили». 16.45 «Жонажон мамлакатимиз бўйлаб». Латвия ССР. 17.15 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун. **Тошкент кўрсатади.** 17.45 Кўрсатувлар программаси. Болалар учун «Камалак» программаси. 17.50 «Қувноқ дақиқалар» (ўзб.). 18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Физкультура ва спорт». Телевизион журнал (ўзб.). 18.50 «Рус тили». Илмий-оммабоп программа. **Москва кўрсатади.** 19.20 «Миллионлар ленинча университети». «КПСС XXV съезди партиянинг иқтисодий стратегияси тўғрисида». **Тошкент кўрсатади.** 19.50 «Ахборот» информацион программаси. (рус). **Ўзбек тилида:** 20.05 «Раҳматуллаевлар оиласининг бахти». Телевизион очерк. 20.15 Телевизион театр. А. П. Чехов. «Илтимос». 21.00 «Ахборот» информацион программаси. 21.20 «Дала ишлари кундалиги». 21.35 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Стахан Раҳимов куйлайди. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 «Учрашув». Телевизион бадиий фильм. (ўзб.). 23.35 Кўрсатувлар программаси.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. 16.45 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 17.45 Телевизион очерк. 18.15 «Китобсенинг ҳаётингда». 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Қувноқ мушукча». Мультфильм. **Тошкент кўрсатади.** 19.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тенгдошлар» (ўзб.). **Москва кўрсатади.** 19.50 «Анискин ва Фантомас». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Устахонадан кўргазмагача». Ўзбек графикаси ҳақида ҳикоя (рус). **Москва кўрсатади.** 22.30 «Адресимиз — Совет Иттифоқи». 23.30 Стол тенниси бўйича Европа чемпионати. Прагадан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Учинчи программа. 18.55 дан **Тошкент кўрсатади.**

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ИШЧИЛАР ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИГА

бош бухгалтер, бош бухгалтер ўринбосари, савдо бўлими бошлиғи ўринбосари, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича катта инженер, нон заводларининг ускуналари бўйича инженер, умумий овқатланиш бўлими технологи, зоотехник, ревизор, бухгалтер-кассир

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроя комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти коллективи институтнинг илмий ходими М. Алимовага отаси, Ўзбекистон сил касалликлари илмий-тадқиқот институтининг директори, академик

Шокир Алимович АЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

СПОРТ

БИРИНЧИ ДАВРА ТУГАДИ

Одесса шаҳрида ўтаётган баскетбол бўйича олий лига аёллар командалари ўртасидаги Бутуниттифоқ мусобақаларининг биринчи давраси якунланди. Сўнгги учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Локомотив» — (Москва) — «Динамо» (Москва)— 2:3, «Спартак» (Ленинград) — «Буревестник» (Ленинград) — 3:0, «Аврора» (Рига) — «Буревестник» (Киев) — 3:2, «Нефтчи» (Боку) — «Уралочка» (Свердловск) — 3:2, «Искра» (Ворошиловград) — ЦСКА — 3:2.

Тошкентнинг «Автомобилист» командаси сўнгги учрашувда Одессанинг «МедИН» командаси волейболчилари билан куч синашди. Бу учрашув 3:0 ҳисобида одессаликлар фойдасига ҳал бўлди.

Биринчи даврадан сўнг командалар турнир жадвалидан қуйидагича ўрин олишди:

«МедИН» — 10 очко, «Искра» — 8, ЦСКА ва «Локомотив» — 7 тадан, «Динамо» (Москва), «Автомобилист», «Аврора» — 6 тадан, «Спартак», «Нефтчи», — 5 тадан, «Уралочка»—4, «Буревестник» (Киев) — 2, «Буревестник» (Ленинград) — 0 очко тўпланишди.

«ШАХТЁР» НИМЧОРАК ФИНАЛДА

Футбол бўйича мамлакат Кубоги ўйинларининг сўнгги нимчорак финал қатнашчиси аниқланди. Бу бахт Донецкнинг «Шахтёр» командасига насиб этди. Команда футболчилари 29 март куни Жданов шаҳрида Бокунинг «Нефтчи» командаси билан куч синашдилар. Қизиқарли ўтган бу учрашув «Шахтёр» командаси ўйинчилари фойдасига ҳал бўлди.

ЭРТАГА БУТУНИТТИФОҚ ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ КЎРИГИ БОШЛАНАДИ

Республикамиз пойтахти кўчаларида йўловчилар оқимининг чеки кўринмайди. Транспорт воситалари эса кун сайин кўпайиб бормоқда. Ҳамшаҳарларимиз ишга, ўқишга, гаштли меҳнатдан сўнг кино, театрга, меҳмондорчиликка ошиқишади.

«Волга», «Москвич», «Жигули» каби тезюрар енгил машиналар бир-бирини қувиб олга интилади. «Икарус», «ЛАЗ»лар эса ўз маршрутлари бўйича одимлайди, меҳнаткаш юк машиналари эса муҳим халқ хўжалик юкларини «опичлаб» қурилиш объектлари, завод, фабрикаларга йўл олишади...

Пиёдалар учун ҳам, ҳайдовчилар учун ҳам йўл қоида ва қонунлари мавжуд. Бироқ ҳамма вақт ҳам уларнинг йўл интизомига риоя қилишларига яхши баҳо қўёлмайсан, киши.

Шунинг учун ҳам декадалар, ойликлар ва йўл ҳаракати хавфсизлиги кўрикларини ўтказиб туриш одат тусига кириб қолган.

1 апрелдан бошлаб, бутун мамлакатдаги каби Тошкентда ҳам Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги кўриги бошланади. Штатсиз мухбиримиз Л. Оффенгенден Тошкент шаҳар ижроя комитети ички ишлар бошқармаси давлат автомобиль инспекцияси бошлиғи, милиция подполковниги М. С. Салоҳиддиновдан бу ҳақда гапириб беришни илтимос қилди.

АЪЛО ИНТИЗОМ УЧУН

— Баҳор келди. Ҳаракатнинг активлашиб қолганлигидан ҳам бу фаслнинг ташрифи бўлорганлигини ҳис этиш мумкин. Минглаб шахсий автомобиль, мотоцикл, велосипедлар давлат секторига қарашли транспорт воситалари билан шаҳар кўча ва йўлларини тўлдирди. Шу билан бирга йўловчилар миқдори ҳам кескин ортди. Буларнинг барчаси Тошкент кўча ва йўлларида транспорт ҳаракатига таъсир этмасдан қолмайди, албатта.

Статистика маълумотларидан кейинги вақтларда йўл-транспорт ҳодисалари миқдори ортиб бораётганлигини билиш мумкин.

Мактабларда ўқув йили ҳам ниҳоясига етмоқда. Илиқ кунлар келиши билан болалар «қўлбола» велосипедларини тайёрлашиб, йўлларнинг ўтиш жойларига олиб чиқишади. Бу эса кўпинча кўнгилсиз воқеалар билан тугайди.

Йўл-транспорт ҳодисаларини тўлқинли чизиқ бўйлаб ўсишига йўлларнинг кўнгилдагидек эмаслиги ҳам сабаб бўляпти. Қиш давомида йўлларнинг айрим жойлари ўйилиб, ўнқир-чўнқир бўлиб қолди. Бунинг устига улардаги йўл чизиқлари билинмай қолди, ҳисоб. Шунинг учун ҳам бу баҳорда ги хавфсизлик кўригининг асосий вазифаларидан бири—бахтсиз ҳодисалар миқдорини камайтиришга қаратилган.

Ўтган йили кузда бўлиб ўтган ана шундай тадбир кўплаб ташкилот ва корхона коллективлари, жамоатчилик эътиборини жалб этган эди. У ҳам ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш билан транспорт воситаларининг техник созлигини, ҳайдовчилар интизомини мустаҳкамлашга катта ёрдам берди. Бу тадбир туфайли эришилган ютуқларда шаҳар партия, совет органлари, транспорт ва йўл ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари роли каттадир.

Бу соҳада орттирган тажрибаларимиз ҳозир ҳам қўл келяпти. Биз Бутуниттифоқ ҳаракат хавфсизлиги ойлигини транспорт воситаларининг техника ва санитария ҳолати кўриклари билан бирга олиб боришимиз лозим. Бу даврда давлат автомобиль инспекцияси ходимлари йўл ва коммунал хўжалик ташкилотлари вакиллари билан бирга кўча ва йўлларнинг созлигини кўздан кечириб, уларнинг дил қувнайдиган ҳолга келтиришини таъминлашга эришиши керак.

Кейинги вақтларда транспорт тезлигини белгиланганидан ошириш натижасида юз бераётган ҳодисалар катта ташвиш туғдиряпти. Шу жиҳатдан олганда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг пойтахтимизда тезликни чегаралаш юзасидан 2 мартда қабул қилган қарори кўрикда ўз самарасини кўрсатиши керак.

Олдинги йиллардагидек, бу йилги кўрик кунларида ҳам йўл-транспорт ҳодисаларисиз ишлаш соҳасидаги илғор тажрибаларни кенг тарғиб қилишга, ҳаракат қатнашчилари ўртасида йўл қоидаларини пропаганда этиш, профилактик ва тарбиявий иш олиб боришга асосий эътибор қаратилади. Бунда бизга матбуот, радио, телевидение ходимлари кўмаклашишлари лозим.

Транспорт ҳодисалари вақтида азият чекаётган болалар иши ҳам ташвишлидир. Шунинг учун ҳам кўрик давомида давлат автомобиль инспекцияси ходимлари мактабларда кўча қоидаларига бағишланган серияли лекция ва суҳбатлар уюштирадилар. Кинопрокат идораси билан бирга хроникал-ҳужжатли фильмлар намойиш этилади. Агитация ва пропаганда бўлимимиз ҳаракат хавфсизлигини яхшилашга кўмаклашувчи, кичкинтой йўловчиларнинг ҳодисалар вақтида азият чекишларини ифодаловчи плакатлар чиқаради. Болаларга йўл қоидаларини пухта билиб олишга кўмаклашувчи тематик паннолар, открыткалар тайёрланилади.

Болаларнинг ҳодисалар вақтида жароҳатланишларининг олдини олиш ишида касаба союз, комсомол ташкилотлари, жамоатчи дружиначи-автоинспекторлар фаол иштирок этишлари керак бўлади. Чунки Тошкент давлат автомобиль инспекциямизнинг уч минг кишилик жамоатчи автоинспекторлари орасида ҳаваскор ва малакали ҳайдовчилардан бошлаб, шифокор, педагог, инженер, қуйингки, барча касб эгаларини учратиш мумкин. Улар жойлардаги комсомол ташкилотлари етакчилигида кичик тошкентликлар соғлиғи тўғрисида қайғуришлари зарур.

Шахсий транспорт воситалари эгалари билан ҳам қатор хайрли ишларни амалга ошириш керак бўлади. Шу жумладан, улар билан махсус машғулотлар ўтказилади. ГАИ ходимлари суҳбат ва лекциялар вақтида уларга юз бераётган йўл-транспорт ҳодисаларининг асосий сабаблари, ҳаракатни ташкил этишдаги янгиликлар ҳақида тушунча берадилар.

Автомотоклуб, «Автомобиль ишқибозлари» жамиятлари раҳбарлари, шахсий машинаси, мотоцикли бўлган ходимлар ишлаётган ташкилот, корхона, муассасаларнинг маъмуриятлари ҳам кўрикни ҳар томонлама уюшқоқлик ва мақсадга мувофиқ равишда ўтказишига ҳисса қўшсалар нур устига аъло нур бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Бутуниттифоқ баҳорги ҳаракат хавфсизлиги кўриги олдига қўйилган вазифа катта ва мураккабдир. Биз давлат автомобиль инспекцияси ходимлари шуни истар эдикки, кўрик натижаларини якунлаганда талабчан имтиҳон олувчи ҳаракат иштирокчилари бўлган пиёда ва ҳайдовчилар, катта ҳамда кичикларнинг кўчада юриш маданиятига аъло баҳо қўйсин.

Шаҳримиздаги республика сабзавотчилик ва полиз экинлари илмий-текшириш институти коллективи экинларнинг янги серҳосил навларини яратиб, меҳнаткашларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга самарали ҳисса қўшаётир.

СУРАТДА: институтнинг ишчан сабзавоткори Ҳалима Хўжаева янги навли помидорни парваришлаш пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

Футбол

МАСЪУЛИЯТЛИ УЧРАШУВЛАР ОЛДИДАН

Мамлакатимизнинг энг кучли футбол командалари шу кунларда Монреалда ўтказиладиган олимпиада ўйинларига ва Европа чемпионатига қизғин тайёргарлик кўришмоқда.

СССР терма командасининг тренерлари Олег Базилевич ва Валерий Лобановский ана шу мусобақаларга тайёргарликнинг программасини ишлаб чиқдилар. Улар терма команда составига асосан Киевнинг «Динамо» командаси ўйинчиларини жалб этган ҳолда бошқа командалардан ҳам кучли футболчиларни танлаб олдилар.

Тренерларнинг асосий мақсади команданинг Олимпиада ўйинларида муваффақиятли қатнашишига қаратилган. Шу билан биргаликда Европа чемпионати ҳам диққат-эътибордан четда қолгани йўқ.

Ўтган йили терма командамиз ўйинчиларининг халқаро учрашувларда муваффақиятли қатнашганлиги футболчиларимизни н г Олимпиада ва Европа чемпионати ўйинларини яхши ўтказишларига ишқибозларда ишонч туғдиради.

Бу йилги мавсумда мамлакат чемпионатига ҳам катта ўзгаришлар киритилди. Чемпионат икки даврада ўтади. Биринчи давра — баҳорги биринчилик 4 апрелдан 13 июлгача ўтказилади. Иккинчи давра — кузги биринчилик ўйинлари эса 15 августдан 15 ноябргача давом этади. Сўнгги давра ғолиби бўлган команда Европа чемпионлари Кубоги ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. СССР терма командаси составига кўпроқ ўйинчилари кирган командалар биринчи давра ўйинларини халқаро календарь учрашувларини ҳисобга олган ҳолда ўтказадилар. СССР Футбол федерацияси томонидан киритилган бу янгилик эса шу командаларнинг кузги мавсум ўйинларида ўзларини ўнглаб олишлари учун имконият туғдиради.

Масалан, Киевнинг «Динамо» командасига баҳорги турнирда кўпроқ резерв состави билан ўйнашга тўғри келади. Бундан фойдаланган бошқа клублар турнир жадвалида карвонбошиликни ўз қўлларига олишлари мумкин. Жумладан, ишқибозлар Москванинг «Динамо» командаси бу йил чемпион бўлишини башорат қилишмоқда. Лекин, бошқа командалар ҳам шу ўзгаришлардан муваффақиятли фойдаланишлари мумкин. Хуллас, баҳорги, турнир катта шов-шувларга сабаб бўлиши олдиндан кўриниб турибди.

Олимпиада ва Европа чемпионатларининг саралаш ўйинларида СССР терма командаси ҳар икки составини— биринчи ва олимпиада составини синаб кўрди. Бу командаларнинг машғулотлари маромига етказилгач, иккала состав бирлаштирилди. Ҳозир программанинг якунловчи даврасн давом этмоқда. СССР терма командаси Европанинг қатор клуб командалари билан синов матчлари ўтказганидан сўнг, Европа чемпионни номини олишга даъвогар бўлган Чехословакия терма командаси билан куч синашади. Бу командаларнинг Европа биринчилиги чорак финалида бир-бири билан учрашишини қуръа ҳал қилиб берди. Лекин, улар синов учрашувларидан воз кечганлари йўқ. Кошицеда ўтказилган ўртоқлик учрашуви 2:2 ҳисобида тугади. Командаларнинг биринчи расмий беллашуви 24 апрель куни Братислава шаҳрида ўтказилади.

Киевнинг «Динамо» командаси чемпионлар Кубоги ўйинларининг чорак финалида Франциянинг «Сент-Этьенн» командаси билан учрашди. Симферополда бўлиб ўтган биринчи матчда киевликлар 2:0 ҳисобида ғалабага эришган эдилар. Лекин команда такрорий учрашувда 3:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Терма командамизнинг Аргентина терма командаси билан бўлган учрашувдаги мағлубияти команда тренерлари Базилевич ва Лобановскийларга жиддий сабоқ бўлиши керак. СССР терма командаси келгуси ўйинларга пухта тайёргарлик кўргандагина муваффақиятга умид боғлаши мумкин. Команданинг тўғри йўлдан бораётганлигини Болгария терма командаси билан бўлган учрашув исботлаши мумкин. Бу ўйинда совет футболчилари 3:0 ҳисобида ғолиб чиқишди.

(АПН).

• *Ранг-баранг олам*

225,5 КИЛОГРАММ ОЗГАН КИШИ

Менфис шаҳрида истиқомат қилувчи ўттиз етти ёшли америкалик хизматчи Скотт Фордик ўз оғирлигини йўқотиш бўйича мутлоқ чемпион деб тан олинди. Овқат ейиш пайтида ўз нафсини тия билганлиги натижасида у 225,5 килограмм вазнини йўқотди. Эндиликда Фордик «атиги» 102,5 килограмм оғирликка тушиб қолди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 бет.

31 МАРТ, 1976 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33.02.49 дан 33.02.58 гача. Эълонлар бўлими—33-81.42.

Р — 13119. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579. Нашр В—3051.